

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 152-ҳадис

152/201 – وَعَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَغْتَسِلُ أَوْ يَغْتَسِلُ
بِالصَّاعِ إِلَى خَمْسَةِ أَمْدَادٍ، وَيَتَوَضَّأُ بِالْمُدِّ.

152.201 Анас розияллоху анху айтади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам бир соъдан беш муддгача бўлган сувда ювинар ёки [ғусл қилар эдилар] ва бир мудд билан таҳорат қилардилар».

Изоҳ: Соъ – ёғочдан қилинган идиш бўлиб, у ўша даврда ўлчов вазифасини бажарган. Соъдан сув идиши сифатида ҳам фойдаланилган. Ҳанафий мазҳабига кўра, бир соъ ҳажмда 3,330 литр, оғирликда 3,250 килограммга тўғри келади. Жумхур уламолар наздида эса бир соъ ҳажмда 2,750 литр, оғирликда эса 2,040 килограммга тўғри келади. Ҳанафийларга кўра, бир мудд ҳажмда 0,84 литр, оғирликда 812,5 граммга, жумхур наздида эса ҳажмда 0,6875 литр ва оғирликда 1020 граммга тўғри келади.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI